

ШУМ БОЛАНИНГ “ҚОРХАТ” И

Болтаева Лобар

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2- курс магистранти

Аннотация: Мақолада XX аср ўзбек адабиётининг йирик вакилларида бири Гафур Гуломнинг «Шум бола» асарининг жанрий хусусияти, Шум бола (Қоровой) тилидан ёзилган қорхатнинг қиссада тутган ўрни, образлар талқинини ёритишда аҳамияти, энг асосийси, Қоровойнинг характер қирраларини очишдаги ўрни масалаларни ўрганилган.

Калит сўзлар: шоир, носир, автобиографик, қисса, қорхат.

Гафур Гулом ҳам шоир, ҳам носир сифатида баракали қалам тебратган. Унинг яшаган даври XX асрнинг таҳликали йилларига тўғри келган. Аммо бу унинг кулгисеварлигига, атрофдагиларни ҳам ўзининг юқори кайфиятига шерик қилишига монё бўлмади.

Шум бола образи турли юмористик ва сатирик кулгу билан безалган. Асарни ўқиш давомида Шум боланинг аҳволига бирда мириқиб кулсак, бирда ичимиз ачийди. Муаллиф асар давомида қаҳрамонининг руҳиятини очиш мақсадида халқ оғзаки ижодидан намунадан ташқари ўзининг қаламига мансуб шеърлардан фойдаланади. Жумладан, Шум бола хожи бобонинг уйида хизмат қилиб юрган кезида қиш яқинлашиб келаётган бир пайт бўлади. Шум бола шўхликларга бой бўлишига қарамай аҳволини, қишда кийимга қийналиб қолганини хожи бобога тўғридан-тўғри айтолмайди. Чунки хожи бобо чиқимни ёқтирмайдиган, қиримдан қайтмайдиган бир образ сифатида гавдалантирилган. Шунинг учун адиб асарга шеърий Қорхат киритади. Асар кўп бора муаллиф чиғириғидан ўтган, образлар ичида хожи бобо образи кўплаб деталлар билан бойитилган:

Бироқ у бир бутун холида автобиографик асар эмас, балки бадий тўқима қиссадир. Гафур Гулом «Шум бола» қиссаси устида жуда кўп меҳнат қилган. Асарни 1941-йилда ва 60-йилларнинг бошида икки марта қайта ишлаган; ҳар сафар уни янги боблар, янги воқеа ва деталлар билан бойитган. “Қорхат” Шум бола томонидан ёзилган бўлиб, асарда муҳим ўрин тутади:

“Қорхат бу турур

Қорни ёғдирган Худойимнинг ўзи,

Хат бориб тегсин, кийим-бошинг сўзи.

Ҳожи бобо, биласиз, эғнимда йўқ,

Ўз нулимга олгали қўйнимда йўқ.

Гупписизлик, қўл-оёғим бўлди ланг,

Пилтасиз дўпти кийибман, бош яланг.

Хизматингиздан мудом айрилмадим,

Буйруғингиздан қиё қайрилмадим.

Тонг саҳардан кечгача изғийман,

Худди чўлтоқ бир шипирғи - тўзғийман.

Жон бобо, раҳм айлангиз аҳволима,

Қолмангиз ўлсам қотиб, уволима.

Бир иложини қилинг, Ҳожи бобо,

Етти марта ҳажж ато қилсин Худо, —

деб ёздим, етим шогирдингиз” [2.143-144.].

Кўриниб тургандек, Шум бола ҳожи бобони йўқ дея олмайдиган ажойиб усул топди. Шеърда қаҳрамонимизнинг рухий, моддий ҳолати аниқ- равшан баён қилинган. Об-ҳавонинг совиши Оллоҳнинг қўлида, устига кийишга эғнида йўқлигини айтarkan, ўзининг хизматларини ҳам юмшоқлик билан эслатиб ўтади. “Жон бобо” сўзи ҳам хатни ўқувчига ёқимли таъсир қилади, яъни ижодкор ҳар бир сўзни танлаб, саралаб олганини англатади. Охирига байтга диққат қилсангиз, Қоровой ҳожи бобонинг кўнглига қанчалик яқин келганини англайсиз. Қорхат шеърий шаклда бўлгани сабаб китобхонга бир маромда ўқишга, шунингдек, эстетик завқ беришга хизмат қилган. Насрий асарни ўқиётган китобхон шеърий парчаларни лирик чекиниш каби мароқ билан мутолаа қилади.

Ушбу ўринда ижтимоий ҳолат ҳам ҳаққоний тасвир этилган. Уруш сабабли болалар шўхликлари жазоланади, агар тинчлик, тўкин-сочинлик даври бўлганида Шум бола уйдан нарса олиб чиқиши шунчаки бир танбех билан тугарди. Уруш пайти бўлгани сабабли уйда шундоқ ҳам зўрға кун кўрилгани сабаб қилган иши учун уялиб уйни тарк қилади. Уруш сабабли болалар ўқиш ўрнига қандай кун кўришни ўйлайди, уйдан олисга кетади. Ҳар кимнинг эшигида хор бўлади, калтакланади, ҳар қанақа инсонларга дуч келади. Халқ дostonларида зулм бор жойда унга қарши ботирлар этилганидек, Гафур Гулом ўша давр болалари учун ҳар қандай вазиятдан уддабуронлик билан чиқиб кетадиган Шум бола образини гавдалантирган. Демак, асардаги қорхат Шум бола табиатига хос жиҳатларни ёритишда муҳим ўрин тутган.

Шум болага хос топқирлик Марк Твеннинг “Том Соьернинг саргузаштлари” асаридаги Том Соьер образида ҳам учрайди.

“Шум бола”да қаҳрамонимиз хожи бобонинг уйида хизмат қилиб юрганда ўчоқда шишани портлатгани воқеаси – “... манқалдоннинг остига қалин кул солиб, устига ўт ёқдим. Ўт тайёр бўлгач, носдан бўшаган совуқ сув солиб, оғзини маҳкам ёпдим-да, манқалдондаги кулга кўмдим...” [3.217.] топқирлик билан ўйлаб топилган ҳийла бўлса, “Том Соьернинг саргузаштлари” асарида эса Том деворни дўстларига бўятиш ҳийласи юқоридаги сўзимиз исботидир. [1.]

Умуман, Ғ.Ғуломнинг “Шум бола” қиссасидаги Шум бола образини ёритишда ранг-баранг тасвирий воситаларга мурожаат қилган. Ёзувчи келтирган Қорхат асарга лирик ҳарорат олиб кириши билан бирга қаҳрамон руҳиятини янада чуқурроқ англашимизга ёрдам берган.

ИҚТИБОСЛАР:

1. Mark Twen. The adventures of Tom Sawyer. The american publishing company, Hartford, CONN.: Chicago. ILL.: CINCINNATI, OHIO. 1884. 246 p
2. Ғафур Ғулом. Шум бола [Матн]: қисса. – Тошкент, Ёшлар нашриёт уйи, 2018. 193-б
3. Ғафур Ғулом. Шум бола. —Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. 224-б